


**НИГОРА ТОҒАЕВА**

**ВАТАН ГУЛБОҒИ**

**Шеърлар**

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2005




Самимият ва софлик туйғулари уфуриб турган болалик дунёсининг оҳанглар тимсолидаги жажжи суратлари. Ёш ижодкор Нигора Тоғаеванинг ушбу «Ватан гулбоғи» китобидаги шеърларда ана шундай самимият ва софлик бор.

**Муҳаррир: Темирпўлат ТИЛЛАЕВ.**

4702620202- 357  
Т 376 (06) 2005 357-2005

© Н. ТОҒАЕВА 2005

ISBN 5-7323-0505



10



### **ИЖОДКОР ҚИЗ**

Нигора Тоғаева 1990 йил 10 декабрда Деҳқонобод туманида туғилган. Унинг шеъриятга ихлоси баланд. Ижод намуналари туман газетасида кўп бора чоп этилган. Нигора айти кунларда тумандаги "Ўзбекистон" номли мактаб ўқувчиси.

---

### **МЕҲРИГА**

Менинг сирдош ва чин дугонам,  
Бахтли бўл, кўрмай кўзларингда нам,  
Ҳаётинг олдинда ўйна-кул беғам,  
Рухсорингда бордир гўзаллик сеҳри,  
Илойо омон бўл, дугонам Меҳри.

### **ВАТАН ГУЛБОҒИ**

Олтин эрур бу ўлканинг тупроғи,  
Доим яшар Ватанимнинг гулбоғи.  
Жаннатимсан, шавкатимсан, шонимсан,  
Доим кўқда турсин юртим байроғинг.

## ДЕҲҚОНОБОД

Сочларимни тарайди майин эсган  
шамоллари,  
Ўзига жалб айлайди турфа хилли  
хаёллари.  
Меҳнатсевар, меҳмондўст юртимнинг  
аёллари,  
Деҳқонобод сендайин дилкашни  
тополмасман.

Бирам ширин мазали кулча тандир  
нонлари,  
Боғу-тоғ, дарё билан қопланган ҳар  
ёнлари.  
Шу ерда камол топган, юртимнинг  
ўғлонлари,  
Деҳқонобод сендайин дилкашни  
тополмасман.

## ОНАЖОН

Сочингда оқ қорлар савоби учун,  
Сўроғинг ғам бирла жавоби учун.  
Аламинг, дардингнинг хар боби учун,  
Онажон сирдошинг бўлгим келади.

Онажон сен учун арзир фарзанду,  
Кўкларда ҳилолдек тўлгим келади.  
Мен энди эмасман эрка арзанда,  
Онажон сирдошинг бўлгим келади.

Сен борсан менинг ҳам ёруғдир юзим,  
Қанийди оқлолсам берган ош тузинг.  
Шаънинга шеър битиб турса ҳам қизинг,  
Онажон сирдошинг бўлгим келади.

Дардларингни олиб, сенла бир умр,  
Ёнингда, қалбингда қолгим келади.  
Сочингда оқ қорлар савоби учун,  
Онажон сирдошинг бўлгим келади.

## **ОНАЛАРГА ЛОЛАР**

Лолалар кўп йўлимдан,  
Меҳр билан тераман.  
Гўзал лола қўлимда,  
Мен онамга бераман.

Лола билан қалбимни,  
Хадя этгум онамга.  
Онам каби ҳеч кимни,  
Севолмасман оламда.

## **ДЕҲҚОНОБОД ҚИЗИМАН**

Мен юртимнинг камоли,  
Кўрар кўзи жамоли.  
Келажаги - иқболи,  
Деҳқонобод қизиман.

Боғларингни кезганман,  
Кўркинг қалбга чизганман.  
Булоқ сувинг ичганман,  
Деҳқонобод қизиман.

Хали митти қушчаман,  
Самоларга учаман.  
Улғайиб бўй чўзаман,  
Деҳқонобод қизиман.

## **БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ**

Бахтли бўлай десангиз,  
Ўқиб урганинг доим.  
Инсонсиз ахир Сиз,  
Бўлинг хуш сўз мулойим.

Ассаломни унутманг,  
Эъзоз бордир қўлларда.  
Ёмон қўлдан тутманг,  
Одоб сақланг йўлларда.

Ёмон сўзлаб дўстларни,  
Қалбини қилманг хира.  
Ҳатто ҳайвон, гулларни,  
Нобуд қилмангиз сира.

Бахтли бўлай десангиз,  
Шулар бари етарли.  
Инсонмиз-ку ахир биз,  
Замон ўтар кетарли.



## АДАБИЁТИМ

Ҳаётимга бердинг маъно,  
Сенга бўлсин олқиш саъно.  
Қисса, романларинг аъло,  
Мангу адабиётим.

Шеърларинг эрур бисёр.  
Фазал дostonларинг бор,  
Сенга гоҳо қалб интизор.  
Сенга бўлсин баётим,

Сенла юрак топар таскин,  
Сўзларингдир сирли тошқин.  
Майли ўзинг йиллар ошгин,  
Мангу адабиётим,

Дардларимга бўлгин сирдош,  
Сенсан завол билмас қуёш.  
Эзгулик ҳам сенга йўлдош,  
Мангу адабиётим.

## ВАТАН БУ СЕН

Мен бағрингда топдим камол,  
Ватан - бу сен онажон.  
Сенга йўлдош бўлсин иқбол,  
Ватан - бу сенсан меҳрибон.

Оқ сутингдек қалбинг ҳам оқ,  
Сен мен учун энг гўзал макон.  
Сен блан иқболим порлоқ,  
Ватан - бу сенсан онажон.

Саҳоватда тенгсиздирсан,  
Ўзингсан ширин ул забон.  
Сен тилсимсан, сен бир сирсан,  
Ватан - бу сенсан онажон.

Оқ сутингни оқламоқ,  
Менга шараф, менга шон.  
Қалбим ёмондан йироқ,  
Ватан - бу сенсан онажон.

Сенга қиларман таъзим,  
Таъзимдадирман хар он.  
Сенга қалбдаги сўзим,  
Ватан - бу сенсан онажон.

## ЎЗБЕКИСТОН

Не юртларни мафтун этган,  
Довруқлари дунё кетган.  
Шоирлари шеърлар битган,  
Достон юртим - Ўзбекистон.

Озодлик юртимга ёрдир,  
Буюк сиймолари бордир.  
Қалбига гурур ҳам ёрдир,  
Достон юртим - Ўзбекистон.

Ҳар бир оши, тузи ҳам ҳалол,  
Не-не юртлар бўлгандир лол.  
Юртимга ёр доимо иқбол,  
Достон юртим - Ўзбекистон.

## ҚАШҚАДАРЁ

Беҳишт мисол ўлкасан тароватли,  
Бахшиларнинг тилидаги газалсан.  
Кишиларнинг меҳмондўст саховатли,  
Қашқадарё қадимий ва гўзалсан.

Алпомишлар, Барчинойлар изи бор,  
Тинч-тотувлигинг бўлсин пойдор.  
Тупроғингга фанимлар бўлади зор,  
Қашқадарё қадимий ва гўзалсан.

Фарзандларинг доҳо, зукко, фарзона,  
Темур бобом «ОҚ САРОЙ»и ягона.  
Расм-русум, урф одатинг шаркона,  
Қашқадарё қадимий ва гўзалсан.

## **ЖОНИМ ФИДО ЮРТИМГА**

Ёвга бериб қўймайман,  
Мен юртимни ҳеч қачон.  
Жоним фидо айлайман,  
Гўзал юртимга ҳар он.

Жоним фидо юртимга,  
Кўзга суртай тупроғин.  
Ҳар гўшасан қадрдон,  
Баланд қилай байроғин.

Шон-шарафим Ватаним,  
Алишмайман ўзгага.  
Тупроғин ўпаман,  
Жоним фидо ўлкамга.

## ЭРТАК

Бувим айтган эртақда,  
Чаман кўрдим, нур кўрдим.  
Эртақ тинглаган дўстим,  
Кўксида ғурур кўрдим.

Авлодлар орзу қилган,  
Мамлакат бор эртақда.  
Барчанинг бахти кулган,  
Ҳақиқат бор эртақда.

Қадам қуйдим орзулар-  
Осмонўпар тоғига.  
Киргим келур ижодинг,  
Гуллар тўла боғига.

## МУНДАРИЖА

Меҳирга.....	3
Ватан гулбоғи.....	3
Деҳқонобод.....	4
Онажон.....	5
Оналарга лолалар.....	6
Деҳқонобод қизиман.....	7
Бахтли бўлай десангиз.....	8
Адабиётим.....	9
Ватан бу сен.....	10
Ўзбекистон.....	11
Қашқадарё.....	12
Жоним фидо юртимга.....	13
Эртак.....	14

Нигора Тоғаева

**ВАТАН ГУЛБОҒИ**

*Шеърлар*

Мухаррир: Йўлдошбек Кенжа.  
Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.  
Мусахҳиҳ: Мусо Тўлаганов

**ИБ № 0456**

Теришга 13.06.2005 йилда берилди. Босишга 19.06.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{32}$ . Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табағи 2,03 Шартли буюк-оттиск 2,04 Нашр босма табағи 2,00. 500 нусхада. 36 2005 - шартнома 2062 буюртма. Эркин нархда.

**“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

„Графика“ МЧЖ. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси.